



МАҲКУМЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА АХЛОҚАН ТУЗАТИШДА ИЖТИМОЙ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТНИНГ ЎРНИ

Мелибоев Асқар Эшмуратович

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик йўналиши тингловчиси, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7462418>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2022

Accepted: 19th December 2022

Online: 20th December 2022

KEY WORDS

ABSTRACT

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони белгиланди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони¹ белгиланди.

Ушбу Фармон билан маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5841063>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.



институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги асосий йўналишлардан бири – бу меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш ва озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштириш масаласи ҳисобланади.

Бугунги кунда Юртбошимиз инсон қадрини улуғлашга қаратилган ишларга хомоханг холда Жазони ижро этиш тизимида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 128 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 201 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум

этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди². Афв этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 63 нафарини аёл, 26 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 19 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Мақоламиз доирасида айнан маҳкумларни тарбиялашдан мақсад ушбу шахсларни озодликка чиқишга кўмаклашиш, уларни озодликка чиққандан сўнг қайта жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб этилади. Бу борада Ф. Матчанов фикрича, тарбиявий таъсир чоралари маҳкумларнинг жамиятга ва меҳнатга ҳалол муносабатини шакллантириш³ деб ҳисоблайди.

Фикримизча, Жазони ижро этиш муассасаларининг асосий мақсади маҳкумни қайта тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдир. Бу борада Р. Турсуновнинг таъкидлашича, Жазони ижро этиш муассасаларининг мақсади жазолаш эмас, қайта тарбиялашдан иборат. Инсонни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, унинг касбий кўникмасини шакллантириш эса тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ҳалол меҳнати эвазига оила тебратган одам кейинчалик ҳам жиноят кўчасидан

² Президент фармони билан жазони ўтаётган 402 нафар шахс афв этилди Электрон манба: <https://kun.uz/79307685>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.

³ Матчанов Ф. Маҳкумлар билан тарбиявий ишлар ўтказилиши–жазо мақсадига эришиш воситаси сифатида //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/С. – С. 24-32.



йироқ юришга интилади⁴ деб билса, Жазони ижро этиш муассасаларининг мақсади Ш. Қушбоқов фикрича, маҳкумлар меҳнатидан фойда эмас балки уларни меҳнат орқали тарбиялаш асосий мақсад бўлиши керак⁵ деб билади.

Маҳкумларга тарбиявий ишларни олиб бориш борасида уларни ахлоқан тузатишга қаратилган бўлса ЖИКнинг 7-моддасида маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига⁶ ижтимоий-фойдали меҳнат деб таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, Д.А. Тураханова ўз қарашларида қуйидаги фикрларни билдиради. Жумладан, жазони ижро этиш муассасасида ижтимоий фойдали меҳнат маҳкумларни ахлоқан тузатишда ва тарбиялашда муҳим омил саналади. Меҳнатнинг маҳкум шахсларга ахлоқий тузатувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатишида ва маҳкум шахсларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда қуйидаги шартларнинг бажарилиши муҳимдир, яъни:

а) маҳкум шахсни меҳнатга жалб этиш чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлиши лозим;

б) маҳкум шахсларнинг меҳнати умумжамият меҳнатидан бошқача бўлиши мумкин эмас;

в) маҳкум шахслар мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслиги лозим⁷.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ушбу олимпиазни фикрига қўшиламан лекин Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 37-моддаси 2 қисмида ёзилишича, Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади⁸ деб таъкидланган бўлса С. Гелдиев маҳкумни мажбурий тарзда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этади⁹ деб билади. Ушбу қоида ва олимнинг ёндашуви маҳкумларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш деган маънони келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, Қомусимизнинг 37-моддасига ўзгартириш зарурати мавжуд.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, маҳкумларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг асосий мазмуни қуйидагиларда ўз аксини топади:

биринчидан, маҳкумларни меҳнат орқали тарбиялашда ушбу шахсларни озодликка чиққандан сўнг ўз ҳунарига эга бўлиши орқали қайта жиноят содир

⁴ Р.Турсунов Жазони ижро этиш тизими: муаммо, ечим ва натижа. Халқ сўзи. Электрон манба: <https://iiv.uz/oz/news/jazoni-ijro-etish-tizimi-muammo-echim-va-natija?ysclid=lbuyboaz2b917200146>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.

⁵ Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/163629>. Мурожаат вақти: 12.12.2022й.

⁷ Тураханова Д. А. ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МЕҲНАТНИНГ РОЛИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 7.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596>. Мурожаат вақти: 12.12.2022й.

⁹ Гелдиев С. МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 106-119.



этишини профилактикасини амалга оширилган бўлади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўғирлик, босқинчилик каби жиноятларни келиб чиқишининг асосий сабаби оиладаги етишмовчилик ва ишсизлик ҳисобланади.

Иккинчидан, Ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали маҳкум озодликка чиққандан сўнг ўз хунармандчилик бўйича тадбиркорлик қилиш имкониятига эга бўлади.

Жазони ижро этиш муассасаларида афв этиш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда рағбатлантириш ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумни жазодан озод қилишда ўз аксини топади¹⁰.

С.В. Сорокина таъкидлашicha, Қисқа муддатларга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланиш муаммоларини ўрганган С.В. Сорокина меҳнатга ижобий ёндашувчи маҳкумларнинг кўпчилиги ўзининг ахлоқан тузалиши имкониятига ишонади, бироқ меҳнат қилишни истамайдиганларнинг 92% бошқача фикрда; шахсни ахлоқан тузатиш ғоясига бошланғич умумий ва олий маълумотли шахслар ишончсизлик билан қарайди, деган хулосага келди¹¹

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, маҳкумларни ахлоқан тузатишда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш

самарали усул деб ҳисоблайди. Чунки, бирор иш билан банд бўлиш, хунар ўрганиш ва меҳнат қилиш миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган анъаналаридан бири ҳисобланади. Шу борада Д.А. Тураханованинг фикридан мисол келтиришни жоиз топдик. Унинг фикрича, Жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб қилинмаган, иш билан банд бўлмаган маҳкум шахслар

сонининг кўпайиши муассасалардаги вазиятни кескинлаштириши мумкин¹².

Ушбу фикрдан қуйидаги хулосага келдик, маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этиш нафақат маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Балки, маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб қилиш жазони ижро этиш муассасаларида тинчликни таъминлаш, тартиботни сақлашнинг бир кўрини дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг ўрнини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни беришни жоиз топдик. Булар қуйидагилар:

биринчидан, маҳкумларни меҳнатга жалб этиш уларни қайта тарбиялашнинг бир воситаси сифатида қарашдан чекланиб уларни ҳам тарбиялаш балки келажагини қуриш имкони сифатида қараш ғоясини сингдириш борасида педагог ва

¹⁰ Тураханова Д. А. ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МЕХНАТНИНГ РОЛИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 7.

¹¹ Сорокина С.В. Лишение свободы на краткие сроки (уоловно-исполнительный аспект): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2005. – С. 19.

¹² Тураханова Д. А. ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МЕХНАТНИНГ РОЛИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 7.



психологлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
иккинчидан, жазони ижро этиш муассасалари маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатини замон талабларига мос равишда ишларни ўргатиш

борасида хунармандчилик мактаблари билан ҳамкорликни йўлга қўйилгани сингари замонавий технологиялар билан ишловчи IT марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурати мавжуд.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5841063>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.
- 2 Президент фармони билан жазони ўтаётган 402 нафар шахс афв этилди Электрон манба: <https://kun.uz/79307685>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.
3. Матчанов Ф. Маҳкумлар билан тарбиявий ишлар ўтказилиши–жазо мақсадига эришиш воситаси сифатида //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 9/S. – С. 24-32.
4. Р.Турсунов Жазони ижро этиш тизими: муаммо, ечим ва натижа. Халқ сўзи. Электрон манба: <https://iiv.uz/oz/news/jazoni-ijro-etish-tizimi-muammo-echim-va-natija?ysclid=lbuyboaz2b917200146>. Мурожаат вақти: 12.12.2022 й.
5. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/163629>. Мурожаат вақти: 12.12.2022й.
7. Тураханова Д. А. ОЗОДЛИҚДАН МАХРУМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МЕҲНАТНИНГ РОЛИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 7.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Электрон манба:<https://lex.uz/docs/20596>. Мурожаат вақти: 12.12.2022й.
9. Гелдиев С. МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 106-119.
10. Сорокина С.В. Лишение свободы на краткие сроки (уоловно-исполнительный аспект): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2005. – С. 19.